



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «19» март

№ 615 и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № _____

Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласи ҳудудида жойлашган “QADAM O'G'LI” оилавий корхонасига қарашли қурилиши тугалланмаган “Паррандачилик фермаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Тумандаги “QADAM O'G'LI” оилавий корхонаси раҳбари И.Рахимовнинг Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Паррандачилик фермаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 19 мартдаги ХО-Р-806-сонли сўровномасини, Боғот туман ҳокимининг 2019 йил 16 сентябрдаги 5698-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 19 мартдаги 1257-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 7, 20, 29-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 365,5 квадрат метр, умумий ер майдони 2700,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши тугалланмаган “Паррандачилик фермаси” биноси “QADAM O'G'LI” оилавий корхонасига тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. “QADAM O'G'LI” оилавий корхонаси (И.Рахимов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу қурилиши тугалланмаган “Паррандачилик фермаси” биноларини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот туман ҳокими

О.Холбоев